

Toshloq tongi

2025 YIL 19 APREL SHANBA № 11 (72771)



ХАФТА ДАВОМИДА ТУМАНИМИЗДА

НАВБАТДАГИ ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИ

Аҳоли муаммоларини жойида ўрганиш ва уларга ечим топиш мақсадида туман ҳокими А. Джурабаев навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди.

Қабул давомида турли масалалар — жумладан, моддий ёрдам, коммунал хизматлар билан боғлиқ муаммолар, ички йўлларни асфальтлаш, электр таъминотидаги узилишлар, симёғочларни янгиллаш, ичимлик суви таъминотидаги муаммолар ҳақида мурожаатлар билдирилди.

Ҳар бир мурожаат алоҳида эшитилиб, мутасадди

ташкilotлар ва сектор раҳбарлари иштирокида тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Айрим муаммолар жойида ҳал этилган бўлса, бошқалари бўйича масъулларга аниқ топшириқлар берилиб мuddатлар белгиланди.

Туман ҳокими қабул якунида мурожаатлар билан ишлашда шаффофлик, очиклик ва масъулият асосий мезон бўлиши кераклигини таъкидлади. Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг муаммоси ечим топиши учун барча имкониятлар ишга солинишини билдирди.

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Туманда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва оила доирасидаги жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида "Таъсирчан тарғибот учрашуви" ташкил этилди.

Унда Фарғона вилояти ҳоким ўринбосари К. Кавлонова, вилоят ИИБ, туман ИИБ раҳбарлари ва "Абу Ҳанифа" масжиди имом-хатиби иштирок этдилар.

Учрашувда пробацция ҳисобидаги шахслар, оилавий зўравонлик содир этган ва ҳимоя ордери берилган фуқаролар

қатнашди. Йиғилишда маҳаллаларда юз бераётган оилавий низолар, ажримлар ва зўравонлик ҳолатлари танқидий таҳлил қилинди.

Сўнгги йилда туманда оилавий зўравонлик ҳолатлари кўпайгани таъкидланиб, бу каби жиноятларни барвақт олдини олиш учун мутасадди идоралар ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги билдирилди.

Йиғилиш якунида 2025 йил давомида амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЁШЛАРНИНГ ҲАР БИР ТАКЛИФИ ЭЪТИБОРДА

Тадбирда турли йўналишларда фаолият юритаётган ёшлар — талабалар, тадбиркорлар, спортчилар ва ижодкорлар иштирок этишди.

Ушбу учрашувда туман ҳокими ёшларнинг фикр ва таклифларини тинглади, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашди.

Ёшлар ўзларини кизиқтирган масалалар, жумладан таълим, иш билан бандлик, тадбиркорликни

ривожлантириш, спорт ва маданият соҳаларидаги имкониятлар ҳақида саволлар бериб, ҳоким билан очик суҳбатлашиш имкониятига эга бўлишди.

Ҳоким ёшларни фаол бўлишга, ташаббускорликни оширишга чақирар экан, уларнинг ҳар бир таклифи эътиборсиз қолмаслигини таъкидлади. Ушбу мулоқот доирасида бир қатор ёшлар муаммоларига жойида ечим топилди.

ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тумандаги "Хонарик" ММТП ҳудудида жойлашган "Ҳабибахон Илс саховати" фермер хўжалиги дала майдонида кишлоқ хўжалигида долзарб бўлган ташкилий ва агротехник тадбирларга бағишланган амалий семинар-йиғилиш ташкил этилди.

Йиғилишда туман ҳокими А. Джурабаев, кишлоқ хўжалиги соҳасига дахлдор ташкilotлар мутасаддилари, шунингдек фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Семинар давомида галла ва пахта етиштириш, дала

майдонларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, ипак курти парваришини йўлга қўйиш каби масалалар муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан тегишли тавсиялар берилди.

Йиғилиш якунида 2025 йил учун гўза қатор ораларига 1-комплекс ишлов бериш — яъни культивация ва чуқур юмшатиш ишларини самарали ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Давоми 2-саҳифада.

Юртимизни "Яшил макон"га айлантиралик

Инсон ҳаётда қилган яхшилиги ва эзгу ишлари билан ўзидан из қолдиради. Бинобарин, халқимизда "Яхшидан боғ қолади" деган ибора замирида ҳам меҳнати, изланишлари билан юрт, жамият тараққиётига ҳисса қўшиш каби маъно мужассам. Ҳар қандай жамият ривожланишида меҳнаткаш, фидокор инсонлар

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

алоҳида ўрин тутати. Улар орасида ерга меҳр қўйиб, асосийси бу ишларни сидқидилдан бажариб ўз хонадонини боғу-роғга айлантириб, тажрибаларини бошқаларга ҳам улашиб келаётган миришкорлар туманимизда ҳам топилади. Бу борада Яковут маҳалла фуқаролар йиғини Охунжон Одиловнинг ишлари таҳсинга сазовор.

Қаҳрамонимиз турмуш ўртоғи Чинниҳон Мўминова билан биргаликда хонадониди чинакамига гўзал манзара яратганлар. Улар олтидан охириб етмишга яқинлашаётган бўлсалар ҳам ҳали ҳамон гўзаллик яратиш туйғуси билан ҳамнафас ҳаёт кечирмоқдалар. Хонадонда деярли 10 сотихга яқин ер майдонида интенсив боғ кўзни қувонтириб туришида бу инсонларнинг ерга, гуллар ва мева, манзарали дарахтларга бўлган кизиқишлари, уларни парваришидаги катта меҳнатларидан далolat беради.

Авваллари ҳам боғимизда ҳар хил мева, дарахтлар бўлар эди. Бу дарахтлар қариб қолган уларни ўрнига янгитдан интенсив боғ



қилишни мақсад қилдим. Бунга сабаб телевидение, интернет тармоқлари орқали дарахт экиш ва боғлар яратишга бўлган қорловларни кўриб шижоатим бўш урди. Шундан сўнг интенсив боғ яратиш усулларини Қува туманига бориб ўрганиб, ўша жойдан мева, кўчатларни олиб келиб эдим. Шу ўринда Эркин Воҳидовнинг

**Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада,
Бу ниҳол номини яхшилик ата.**

**Сендан фарзандингга боғ қолсин эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин эй дўст** деган мисраси ёдимга тушаверади,- дейди суҳбат чоғида тўлкинланиб О. Одилов.

Интенсив боғга 100 тупдан ортиқ мева, кўчатлар экилган бўлиб боғда 70 туп "кармен", "лимонка" каби нок навлари, ўрик, бодом, декабрь ойида пишиб етиладиган "пинк леди" навли олма кўчатлари меҳр билан парваришланмоқда.

Хонадон соҳиблари гўзалликка, меҳнат қилишга бўлган иштиёқи

туфайли интенсив боғдаги дарахтлар оралари ҳам бўш қолдирилмаган. Бу жойга 200 туп кулупнай, 400 туп малина кўчатлари экилиб парвариш қилинмоқда.

Боғ ишлариданда ортиб асаларичиликни йўлга қўйиб ҳовлида турли хил гуллар парваришлайётган хонадон соҳибларининг қалби қанчалик гўзал эканлигини англаш қийин эмас. Айниқса голланд навли лолаларнинг қизил, сариқ бўлиб баҳмалдек очилганини кўриб кўз қувнайди.

Кордован зотли 10 та асалари оиласининг ҳар бир оиласидан 10 килограммдан асал олинмоқда. Бундан ташқари 20 та зотли кора товуклар ҳам тухум билан сийлайди.

Хулоса қилиб айтганда ҳар қандай инсон қандай ёшда бўлмасин биринчи навбатда ўз хонадонига ниҳол экиб боғ яратар экан юртимиз яшилликка бурканиб боғу бўстонга айланаверади.

Шоҳистахон РАҲИМОВА.

Барака ҳаракатда

ЧОРВАЧИЛИК СЕРДАРОМАД СОҲА

Юртимизда чорвачиликни тараққий эттириш, ушбу фаолият тури билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари имкониятлар тақдим этиш, халқимизнинг чорвачиликни ривожлантириш борасидаги тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Пировардида эса аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва даромадларини кўпайтириш мақсадида мазкур фаолият тури билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиб келинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Яковутлик Абдурасул Турдиматов ҳам кўпйиллардан буён қорамолчилик билан



шуғулланиб келади. Бунинг ортидан хонадони тўқинлигини таъминлаб, иморатлар қурди, фарзандларини уйли-жойли қилди. Ҳаракатда барака деганларидай дастлаб икки-уч бош қорамол парваришидан бошланган фаолият ҳозирга келиб 20 дан ортди. Оиланинг даромади ҳам шунга яраша

қун сайин ошиб бормоқда. Ҳозирда А. Турдиматовнинг фарзандлари Сардорбек ва Бобурбеклар ҳам ота изидан бориб чорвачилик билан шуғулланишяпти. Оиланинг ҳафталик даромади 10 миллион сўм атрофида.

Давоми 2-саҳифада.

ҲАФТА ДАВОМИДА ТУМАНИМИЗДА

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи туманимизда дорихона фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорлар билан учрашув ўтказди.

Учрашувда аҳолини сифатли ва хавфсиз дори воситалари билан таъминлаш, дори воситаларининг ноқонуний муомаласи, яширин айланмалар ва қалбаки дори воситаларининг тарқалишига қарши олиб борилаётган чора-

тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек мазкур йўналишда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва улар юзасидан кўрилган қатъий чоралар тўғрисида тўхталиб ўтилди. Қонунбузилиш ҳолати аниқланган тақдирда жазо муқаррарлиги таъминланиши таъкидланди.

Тадбир давомида тадбиркорлар ўзларини кизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Ушбу саволларга мутасадди ташкилотлар масъуллари томонидан ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан асосланган жавоблар берилди.

БОҒДОРЧИЛИК БЎЙИЧА АМАЛИЙ СЕМИНАР

Туманимиздаги “Заркент” ММТП ҳудудида жойлашган “Бобоев Бозорбой” боғдорчилик фермер хўжалигида боғ қатор ораларидан самарали фойдаланиш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари, туман Фермерлар кенгаши, Бухгалтерия маркази, туман Ўсимликлар карантини

инспекцияси ва боғдорчилик фаолияти билан шугулланувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Семинарда боғ қатор ораларидан фойдаланган ҳолда қўшимча кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни бозорларга чиқариш ва қайта ишлаш, шунингдек ер майдонларидан оқилона фойдаланиш бўйича мутахассислар томонидан амалий тавсиялар берилиб аниқ вазифалар белгиланди.

АМАЛИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 17-умумий ўрта таълим мактабида туман Фавкулодда вазиятлар бўлими билан ҳамкорликда ўқув машғулотли ташкил этилди.

Тадбирнинг асосий мақсади ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ис газини олдини олиш, шунингдек бундай ҳолатларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат бўлди.

Машғулот давомида туман Фавкулодда вазиятлар бўлими бошлиғи, капитан С. Мамасайдов томонидан ёнғин ўчириш воситалари, уларнинг ишлаш принциплари, шунингдек махсус ёнғин ўчириш автомобили ҳақида атрофлича тушунтириш берилди.

Ўқувчилар амалий кўргазмалар орқали реал ҳолатларга қандай тайёр туриш кераклигини ўргандилар. Улар ўзларини кизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб олдилар.

ҚАРЗДОРЛИК ТЎЛАНМАГАНЛИГИ САБАБЛИ “AUDI” ХАТЛАНДИ

Кредит шартномасига асосан қарздорлик ўз муддатида тўланмаса шартнома муддатидан олдин бекор қилиниб, ундирув гаров мулкига қаратилиши мумкин.

Мажбурий ижро бюроси Тошлоқ туман бўлими иш юритувига ҳам айнан шу мазмундаги суднинг ижро ҳужжати келиб тушган бўлиб, унда “Замондош микромолия ташкилоти” фойдасига қарздор Й.Г.дан оз ҳам эмас кўп ҳам эмас 209 миллион сўм ундириш ҳамда

ундирувни кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган “AUDI” русумли автотранспорт воситасига қаратилиши кўрсатилган.

Қарздорлик қопланмаганлиги сабаб бўлим давлат ижрочиси томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиб “AUDI” хатлаб қўйилди.

Ҳозирда автомашинани электрон онлайн-аукцион савдосига чиқариш чоралари кўрилмоқда.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.

ЧОРВАЧИЛИК СЕРДАРОМАД СОҲА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бундан ташқари хонадонда 4 та соғин сигир ҳам мавжуд бўлиб оила келинлари кунига 20-30 литр атрофида сут соғади.

Чорва асосан зотдор қорамоллардан иборат бўлиб Швед насли буқалар парваришланяпти. Улар келгуси йилгача боқилиб ҳар бири 50 миллион сўмдан орტიқ баҳоланишини таъкидлашди.

Олинаётган даромадлар эвазига оиланинг катта ўғли учун янги иморат қуриляпти. Шу билан бирга яна бир янги чорвачилик иншоатини қуриб 50 бош қорамол учун оғилхона яратишни мақсад қилганлар.

Дарҳақиқат чорвачилик бу фаровонлик, даромад манбаидир. Ота-боболаримиз ҳам “Соғин сигири бор хонадонда доимо барака, тўкинлик бўлади”, деб бежизга айтишмаган.

Хуснидаҳон ЯКУБОВА,
“Тошлоқ тонги” мухбири.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ДАРАЖАСИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

2025 йил 11-мартда “Аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш учун янада қулай шароитлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1047-сон Қонун қабул қилинди.

Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунга кўра Фуқаролик процессуал кодексга, Иқтисодий процессуал кодексга ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга аҳолининг суд муҳокамаларида масофадан иштирок этишнинг ҳуқуқий асослари яратилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бунда видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан

фойдаланган ҳолда иштирок этаётган гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги, шунингдек гувоҳнинг қасамёди аудио ва видеоёзув орқали кайд этилади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишни таъминлаш учун кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойи, жойлашган ери ёки турар жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан ёхуд ишни кўраётган суднинг мобил видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланилади.

А. АНВАРОВ,
Туман адлия бўлими бошлиғи.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДА

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ БПТ ЕТАКЧИСИ

Ўзбекистон ХДП туман ташкилотида “Йилнинг энг яхши БПТ етакчиси” кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур кўрик-танлов партия аъзолари орасидан ижодий, илмий салоҳият, юксак интеллектуал қобилият ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган заҳира кадрларини танлаб олиш, бошланғич партия ташкилотларида рақобат муҳити ҳамда фаол ва ташаббускор етакчиларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилади.

Танловнинг биринчи шартда иштирокчилар 3 та шарт бўйича беллашдилар. Мавжуд шартлар бўйича Дилдора Турдиева ҳакамлар ҳайъати томонидан 1-ўринга муносиб деб топилди ва вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Шунингдек Раънохон Ортикова иккинчи, Дилафруз Сатторова учинчи ўринларга лойиқ деб топилди. Тадбирга ҳакамлар ҳайъати аъзолари сифатида тақлиф этилган туман “Нуроний” жамғармаси раиси, туман ҳокими маслаҳатчиси

Ў. Каримов, Дин ишлари бўйича қўмитанинг туман мутахассиси Т. Абдуллаев, туман Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси З. Фозилов, Ногиронлар жамияти туман бўлими раиси Т. Халилов ва Ўзбекистон ХДП туман ташкилоти раиси Т. Солиевлар тадбир иштирокчиларига партиянинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқларини топширдилар.

Г. РАХИМОВА,
Ўзбекистон ХДП туман ташкилоти ижрочи котиби.

ОЙЛИК САРҲИСОБИ

САМАРАЛИ ТАДБИРЛАР



бозори” ҳудудида 98 маротаба режали ўрганишлар ўтказилиб уларда 84 кг. сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари савдодан олиниб тегишли тартибда йўқ қилинди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда ўта хавфли юқумли касалликларни олдини олиш бўйича 106 маротаба суҳбатлар ўтказилиб фуқароларга сел, сув тошқини ва кўчки билан боғлиқ ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ мавзуларда 62 маротаба учрашувлар ташкилланди.

Тасарруфда фуқаро муҳофазаси иншоотлари мавжуд иқтисодиёт объектларида “Намунали муҳандислик - муҳофаза иншооти” мавзусида туман Тиббиёт бирлашмасида ўқув-семинар ўтказилди. Бу семинарда 175 та ишчи ходимларнинг билим ва кўникмалари оширилди.

Тумандаги барча таълим ташкилотларида 60 маротаба “Фуқаро муҳофазаси куни” тадбирлари ўтказилиб 11990

нафар ёшлар камраб олинди.

Бир ой давом этган ойлик давомида 60 та таълим муассасаларда 70 га яқин ўқувлар, амалий семинарлар ва “Очиқ эшиклар куни” тадбирлари ташкилланди.

Туман ҳокими - Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2025 йил учун тасдиқлаган асосий тадбирлар режасига асосан 2 та ижтимоий объект ва 9 та масжидларда 628 нафар ишчи-ҳодимлар билан махсус тактик ўқув машғулотлари ўтказилди.

Тумандаги ФВДТ хизматлари таркибидаги тузилмаларнинг жанговар шайлигини ўрганиш мақсадида 6 ташкилотда ўрганишлар ўтказилди ва тушунчалар берилди.

“Фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси ойлиги”да ўтказилган жами тадбирларда 54734 нафар фуқаролар иштирок этдилар.

Э. МАМАСАЙДОВ,
туман ФВБ бошлиғи,
капитан.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ЁШЛАРИМИЗ ҒОЛИБЛАР САФИДА

Фаргона гарнизонидаги ҳарбий қисмда ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15-ноябрдаги ПҚ-393-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида умумтаълим мактабларининг “Ватан таянчи” отрядлари аъзоси бўлган 10-11-синф ўқувчилари ўртасида 6 шартдан иборат "Ватанпарвар" ҳарбий-спорт мусобақасининг Фаргона вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлаш, жисмоний чиниктириш, ҳарбий амалий кўникмаларни шакллантириш ҳамда жамоавийлик ва ҳамкорлик руҳини ривожлантиришга қаратилган мазкур ҳарбий спорт беллашувида туманимиздаги 8-сонли умумий ўрта таълим мактабининг “Қалқон” жамоаси “Энг яхши мерган” номинациясида фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

Ахмадали ОБИДОВ,
шу мактабнинг ЧҚБТ раҳбари.

ТАНЛОВ ЯКУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловининг якунлари эълон қилинди.

Халқ таълими вазирлиги ва Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги томонидан ўтказилаётган танловнинг туман босқичи 2-умумий ўрта таълим мактабида ташкилланиб унда 49 та мактабдан 245 ўқувчи иштирок этди.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган мактаблар ҳар йили 20 сентябрга қадар Халқ таълими вазирлигининг ахборот тизимида мактаб терма жамоасини рўйхатдан ўтказдилар. Рўйхатдан ўтган мактаб ахборот тизимига хорижий тилларни ўқитиш

бўйича белгиланган асосий кўрсаткичларини киритиб 7-9-синфларда таҳсил оладиган 5 нафар ўқувчидан иборат битта терма жамоани шакллантирди. Куни-кеча мазкур танловнинг туман босқичи ғолиблари эълон қилинди. Унга кўра 8-мактаб жамоаси 1 ўринни, 12-, 11 мактаб жамоалари фахрли 2-, 3-ўринларни эгаллади.

Туман босқичининг ғолиблари — 1-ўрин учун — 100 миллион сўм, 2-ўрин учун — 75 миллион сўм, 3-ўрин учун — 50 миллион сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

А. НИШОНОВ.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА
ОЛИШДИ

Тумандаги 2-сонли мактабгача таълим ташкилотида “Йил тарбиячиси — 2025” кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик -танловда таълим ташкилоти директорининг ўринбосарлари орасида 7-мактабгача таълим ташкилотидан Д. Эгамбердиева, 11-мактабгача таълим ташкилотидан М. Исмоилова, 17-мактабгача таълим ташкилотидан Ж. Хусанбоевалар ғолиблик учун баҳс олиб бордилар.

17-сонли мактабгача таълим

ташкilotи директор ўринбосари Жамилахон Хусанбоева энг кўп бал тўплаб вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Тарбиячилар ўртасидаги кўрик-танловда эса 2-, 6-, 11-, 24-мактабгача таълим ташкилотлари иштирокчилари орасидан 2-ва 11- МТТ педагоглари Мадинабону Ҳасанова, Шоҳсанам Аминжоновалар танловнинг вилоят босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритдилар.

Роҳилахон АКБАРОВА,
туман ММТБ методисти.

Жиноятга жазо муқаррар

СОХТА ПРОКУРОР

Ўзини туман прокурори деб таништирган сохта прокуратура ходими фош этилди.

Фаргона вилоятида жамиятда катта шов-шувларга сабаб бўлган жиноят фош этилди. Муқаддам 6 маротаба судланган, хавфли рецидивист А.А. ўзини гўёки прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими деб таништириб, одамларни алдаш, қонунга ишончни сулштириш, давлат органларининг обрўсига путур етказишга уринган ҳолда бир нечта жиноятлар содир этганлиги аниқланди.

Хусусан 2024 йил 19 июль куни А.А. турмуш ўртоғи билан Фаргона вилояти Яйпан шаҳарчасида жойлашган «Истанбул» аёллар кийим-кечаклари дўконига бориб, дўкон сотувчиси билан нарх масаласида тортишиб, маҳсулотни таннархидан арзонга сотиб олиш мақсадида гўёки ўзини «Ўзбекистон тумани прокурори» деб таништирган ҳолда сохта гувоҳномани кўрсатиб сотувчини кўрkitиб, маҳсулотни арзон нархга олиб чиқиб кетган.

Мазкур ҳолат қисқа вақт ичида аниқланиб унга нисбатан дарҳол Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилганидан сўнг А.А.нинг жуда кўп қилмишлари фош этилди.

Жумладан жиноят иши доирасида А.А.нинг уйида ўтказилган тинтув тергов ҳаракати давомида прокуратура органларининг қундалик формаси, сохта давлат рақам белгилари ҳамда АҚШ долларлари купюралари топилган.

Ўтказилган тергов ҳаракатлари давомида А.А.нинг жиноий ҳаракатлари фақатгина шу билан

чекланиб қолмаган. У ўзининг жиноий шериклари билан биргаликда ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари деб таништириб, фуқароларнинг ишончига кириб уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа жойларга ишга киритиш, чет элга ишга юбориш, олий таълим муассасасига ўқишга киритишни айтиб, уларни алдаб, умумий ҳолатда 100 минг АҚШ долларидан ортиқ маблағларини шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборганлиги аниқланди.

Тергов давомида А.А.нинг барча қилмишлари тўлиқ исботини топди ва суд унга нисбатан 12 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Бундай жиноятлар нафақат шахсий манфаатни кўзлаган ҳолда амалга оширилади, балки бутун жамиятда давлат органларига нисбатан ишончга путур етказиши мумкин.

Прокуратура органлари халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи, қонун устуворлигини таъминловчи орган ҳисобланади. Бундай сохта сиймолар эса қонунни эмас, шахсий манфаатни кўзлаган форибгарлардир.

А.А.нинг қилмиши барчамиз учун сабоқ бўлиши керак. Бундай жиноятга қўл уриш ҳалокат йўлидир. Фуқаролар бундай сохта шахсларга ишонмаслиги, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳақиқий давлат органларига мурожаат қилиши зарур. Қонун ҳамиша ҳақиқат томонда.

М. ҲАСАНОВ,

Фаргона вилоят прокурорининг ёрдамчиси.

А. НУРАЛИЕВ,

Тошлоқ туман прокурорининг ўринбосари.

ҲУҚУҚШУНОС МИНБАРИ

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИДА ВА ИШЛАНМАЙДИГАН БАЙРАМ
КУНЛАРИДА ХОДИМЛАРНИ ИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШ

Дам олиш кунларида ва ишланмайдиган байрам кунларида ишлаш тақиқланади. (МК-209-моддаси) Аммо умуман ташкилотнинг ёки унинг алоҳида таркибий бўлинмаларининг, яъна тартибдаги тadbиркорнинг кейинчалик нормал ишлаши олдиндан қутилмаган қайси ишларнинг шойлинич бажарилишига боғлиқ бўлса, ўша ишларни бажариш зарур бўлган тақдирда ходимларни дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишга жалб этиш уларнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. (МК-209-моддаси)

Яъни иш берувчи ҳар қандай вазиятда байрам кунлари ходимни ишга жалб қилмоқчи бўлса унинг ёзма розилигини олиши шарт.

Куйидаги ҳолларда ходим байрам кунлари ишга жалб қилиниши мумкин:

Ишланмайдиган байрам кунларида ишлаб чиқариш-техник шароитларга кўра (узлуксиз ишлайдиган ташкилотлар) тўхтатиб туриш имкони бўлмаган ишларни (хизматларни), аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати юзага келтирадиган ишларни, шунингдек кечитириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш

ишларини амалга оширишга йўл қўйилади. (МК-209-моддаси).

Ҳомиладор аёллар, ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) ота-онасидан бири (ота-онасининг ўрнини босувчи шахс) фақат ўз ёзма розилиги билан дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилиниши мумкин. Бунда иш берувчи мазкур ходимларни дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишлардан воз кечиш борасидаги ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилиши шарт. (МК-396-моддаси).

Кимлар учун таъқиқланган?

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларни дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилиш тақиқланади. (МК-417-моддаси)

Ногирон ходимларгачи? Ногиронлиги бўлган ходимларни хизмат сафарига юборишга, дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилишга фақат уларнинг розилиги билан, агар ушбу ходимлар учун бундай ишлар тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси тавсияларида тақиқланмаган бўлса, йўл

қўйилади. (МК-428-модда).

Агар иш берувчи ходимни ишга жалб қилса унга қандай ҳақ тўлайди?

Дам олиш кунларидаги ёки ишланмайдиган байрам кунларидаги иш учун куйидагиларга камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади:

ишбай ишловчиларга — камида икки ҳиссали ишбай баҳолар бўйича;

меҳнатига кунбай ва соатбай тариф ставкалари бўйича ҳақ тўланадиган ходимларга — кунбай ёки соатбай тариф ставкасининг камида икки ҳиссаси миқдорида; маош оладиган ходимларга — ҳар бир ишланган кун ёки соат учун маошдан ташқари кунбай ёки соатбай ставкасининг камида бир ҳиссаси миқдорида. (МК - 263-моддаси).

Иш берувчи ходимни қандай расмийлаштиради?

Ходимларни дам олиш куни ёки ишланмайдиган байрам куни ишга жалб этиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. (МК-212-моддаси).

Д. АБДУЛЛАЕВА,
туман адлия бўлими ЮХКМ
бош юриконсульти.

МУТАХАССИС ОГОҲЛАНТИРАДИ

ҚОРАМОЛЛАРДА УЧРАЙДИГАН ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Тугунли дерматити (нодуляр дерматити) (Dermatitis nodularis bovum; заразный узелковый дерматит) — юкумли чегара билмас вирус касаллиги бўлиб, давомли иситма, некрозланувчи ўчоқли тери бўртмалари (ғадир-будур шиш), тарқалган лимфаденит, кўз, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзолари шилиқ пардаларининг жароҳатланиши билан характерланади. Бу касаллик билан баъзан қўй, эчки ва буйволлар ҳам касалланиши мумкин.

Касаллик қўзғатувчиси Рохвигidae оиласи Сарпирохвигус авлодига мансуб ДНК сақловчи вирус бўлиб, қўй-эчкилар

чечаги вирусига антигенлик жиҳатидан яқин.

Бу вирус билан йирик шоҳли ҳайвонлар, қўй, эчки, куён, денгиз чўчкалари касалланади. Касал ҳайвонларда юкумли тугунли дерматит вирусини тери бўртмаларида, мушаклар, шилиқ пардалар, қон, сўлак, уруғда бўлади ва 11-12 кун сақланади, ажралиб тушган тери тугунларида 4 ойгача сақланиши мумкин. Букалар касалланиб соғайганда уларнинг уруғи билан 2 ойгача вирус ажралиб чиқиши мумкин.

Вирус ташқи муҳитнинг

таъсирларига нисбатан чидамли. Вирус касалланган ҳайвонлар териси бўртмасининг қора кўтирида 6 ойгача фаол сақланиши мумкин. Вирус +55°C да 2 соатда, +65°C да 30 дақиқада фаолсизланади, 1% ли формалин, 2% ли фенол, 2-3% ли гипохлорид натрий эритмалари вирусларни фаолсизлантиради.

Касаллик қўзғатувчиси манбаи касаллик кечаётган ҳайвонлар ҳисобланади. Вирус инкубация даврида ва ҳайвоннинг касаллик даврида жароҳатланган тери соҳаларидан, сўлак, уруғ, сут,

кўз ва бурундан ажратилган суюқликлар орқали ажралади. Касалликнинг инкубацион даври 3-30 кун, табиий шароитда инкубацион даври 2-4 ҳафтани ташкил этади.

Чорва ҳайвонларини мазкур касалликка чалинмаслиги учун албатта туман ветеринария бўлими мутахассислари МФИлар билан ҳамкорликда чорва ҳайвонларини рўйхатдан ўтказиши ва касалликка қарши эмлаш талаб этилади. Хўжалик, корхона раҳбарлари ва фуқаролар ўз вақтида қорамолларини маҳаллий

ветеринария мутахассислари кўришдан ўтказиши, нодуляр дерматит касаллигига қарши вакциналар билан эмлаши, эмланмаган қорамолларни умуман ташқарида чиқармаслик чораларини кўриши шарт.

Ўз хонадонларида чорва ҳайвонлари сақлаётган фуқаролардан чорва ҳайвонларни боқиш ва етиштиришда ветеринария-санитария талабларига тўлиқ қатъий риоя қилишларини илтимос қиламиз.

Р. БОТИРОВ,

туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими этизоотологи.

ИНТЕРНЕТ САРҲАДЛАРИДА НИМА ГАПЛАР?

52 ТА РАДАРНИ МИЛТИҚДА ЎҚ ОТИБ СИНДИРДИ

Ўтказилган суд-товаршунослик экспертизасининг хулосасига кўра, у жами 1 млрд 147 млн сўм моддий зарар етказган.

Қайд этилишича 1976 йилда туғилган М.С. Андижон шаҳри ҳудудидаги 29 та чорраҳага ўрнатилган "Telecom soft" МЧЖга тегишли бўлган 51 дона "Hikvision" русумли йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини аниқлайдиган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд қилиш дастурий-техник воситалари ва 1 дона "Hikvision" русумли радар комплексига ўзига тегишли бўлган "Srket" русумли пневматик милтиқдан ўқ отиш орқали қасддан шикаст етказган.



Ҳозирда ҳолат юзасидан Андижон шаҳри бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан фуқаро М.С.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 173-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноят иши қўзғатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ИККИ КУНДА БЕШТА ЗИЛЗИЛА

Тожикистонда икки кун ичида беш маротаба зилзила юз берди. Бу ҳақда мамлакат ҳукумати ҳузуридаги Фавқуллодда вазиятлар ва фуқаро муҳофаази қўмитаси маълум қилди.

"Зилзила ўчоғида 3-4 балл, Рашт туманида эса 3 баллни ташкил этган. Дастлабки маълумотларга кўра, зилзила оқибатида қурбонлар ва вайроналар йўқ", дея таъкидлади Фавқуллодда вазиятлар ва фуқаро муҳофаази қўмитаси. Бир кун аввал Тожикистонда тўрт марта зилзила қайд этилган эди. Улардан биринчисининг



эпимаркази Душанбе шаҳридан 160 километр шимоли-шарқда ва Рашт туманидан 21 километр шарқда жойлашган. Зилзила кучи эпимарказда 5-6 балл, Рашт

туманида 4-5 балл, Душанбеда 3 баллни ташкил этган. Кейинчалик кичикроқ магнитудали яна уч бор зилзила қайд этилди.

Уштурпаст кишлоғида содир бўлган биринчи зилзила оқибатида уй девори остида қолиб кетган уч ёшли бола ҳалок бўлди. Бундан ташқари дастлабки маълумотларга кўра, Тожикистоннинг икки туманида 100 га яқин турар-жой бинолари вайрон бўлган, яна бир неча ўнлаб бинолар ва ёрдамчи иншоотлар зарар кўрган, деб хабар беради tass.ru.

"УХЛАЁТГАН" ЖО УЙҒОНДИ




АҚШ собиқ президенти Жо Байден сешанба куни мамлакат раҳбари лавозимини тарк этганидан сўнг биринчи марта америкаликлар олдида нутқ сўзлайди, деб хабар бермоқда АР.

Маълум қилинишича, 82 ёшли демократ январь ойида Оқ уйни тарк этганидан кейин, собиқ президентлар анъанасига кўра оммавий чиқишлардан ўзини олиб қочган. Шу билан бирга, Трамп Байденни кўпинча мамлакатдаги кўплаб муаммоларда айблаб келмоқда.

Байден Чикагода бўлиб ўтадиган ногиронлар масалалари бўйича адвокатлар, маслаҳатчилар ва вакилларнинг миллий анжуманидаги кечки нутқида Трампга қарши жавоб бериши кутилмоқда. Унинг нутқи ўн миллионлаб америкаликлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижтимоий таъминот масаласига қаратилади.

ЧАҚМОҚ УРИШИ ОҚИБАТИДА 25 КИШИ ҲАЛОК БЎЛДИ



Ҳиндистон шарқидаги Бихар штатида чакмоқ уриши оқибатида камида 25 киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда РТИ агентлиги маълум қилди.

Штат бош вазир идорасининг баёнотига кўра, Наланд округида 18 киши, бошқа туманларда эса бир неча киши ҳалок бўлган.

Маҳаллий сийёсий партиялардан бири Rashtriya Janata Dal раҳбари Тежашви Ядав Х ижтимоий тармоғидаги постида пайшанба куни авж олган табиий офатлар туфайли минтақада 50 дан ортиқ одам ҳалок бўлганини айтди, деб хабар беради report.az.

ЯПОНИЯ АҲОЛИСИ ЯРИМ МИЛЛИОН КИШИГА КАМАЙДИ

Япония аҳолиси ўтган ҳисобот йилида (2023 йил октябрдан 2024 йил октябргача) 550 минг кишига камайди, дея хабар беради мамлакат Ички ишлар ва коммуникациялар вазирлиги. Бу Япония аҳолисининг кетма-кет 14 йил камайиши. Ҳозирда мамлакатда 123,8 миллион аҳоли истиқомат қилади.



"КҮК КИТ" ГУРУҲИ АСОСЧИСИ 9 ЙИЛГА ҚАМАЛДИ

Новосибирск суди Илья Погибловни ўз жонига қасд қилишга ундаш ва вояга етмаганларни жиноятга жалб этиш фаолиятини ташкил этгани учун айбдор деб топди.

У ўз айбини тўлиқ тан олган. Суд маълумотида кўра, у "Кўк кит" каналини бошқаларнинг ўлимига бўлган патологик қизиқиши туфайли яратган.

"Кўк кит" – 2010 йиллар охирида ижтимоий тармоқларда пайдо бўлган хавфли гуруҳ бўлиб, у ёшларни ўзига жалб қилиб, турли "топшириқлар" орқали суиқасдга етаклаган. Гуруҳ бутун дунёда кенг муҳокамаларга сабаб бўлиб, Россия ва бошқа мамлакатларда бир неча қурбонликларга олиб келган эди.

ЭНГ БАЛАНД АВТОМОБИЛЬ КЎПРИГИ

Хитойда дунёдаги энг баланд кўприк қурилиши якунланди. Кўприк денгиз сатҳидан 625 метр баландликда қурилган бўлиб, узунлиги деярли уч километрни ташкил этади.

Кўприк Бэйпань дарёсидаги Хуацзян каньонини кесиб ўтади. Энди бир дақиқада кўприкнинг нариги томонига ўтиш мумкин деб хабар беради mir24.tv.



Саҳифа материалларини ОАВ ва интернет асосида А. НИШОНОВ тайёрлади.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДА АҲБОРОТ БЕРИШ ВА РЕКЛАМА

Самарали мулоқот стратегияси, шунингдек кенг қамровли реклама ва ахборот компаниялари муваффақиятли рўйхатга олишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу айниқса, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида респондентлар ёки маълумот йиғувчи ва маълумотларни қайта ишловчи вақтинчалик ходимлар сифатида иштирок этиши назарда тутилган рўйхатга олишда сўров усулидан қисман ёки тўлиқ фойдаланадиган мамлакатлар учун жуда долзарб. Бироқ, аҳоли билан тўғридан-тўғри алоқалар минималлаштирилиши мумкин бўлган рўйхатга олиш усулларида риоя қилган мамлакатларда ҳам, асосий манфаатдор томонлар билан мулоқот, шу билан бирга рўйхатга олиш натижаларининг долзарблиги ва мавжудлиги каби таркибий қисмларга нисбатан макбул сифат даражасини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Рўйхатга олишни ўтказиш босқичида реклама ва ахборот компаниялари аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек аҳолини рўйхатга олишда иштирок этишни таъминлаш ва рағбатлантиришга қаратилган зарур маълумотларни тақдим этиш учун зарурдир. Одатда аҳолини рўйхатга олиш жараёнида барқарор иштирок этиш кўрсаткичини таъминлаш мақсадида мамлакат бўйлаб етиб бориш қийин бўлган аҳоли гуруҳларини аниқлашга ва улар билан мақсадли ишлашга алоҳида эътибор қаратилади. Аслида бундай компанияларнинг мақсадлари аҳолини ҳамкорликка жалб қилиш, уни хабардор қилиш, шунингдек аҳолини рўйхатга олишда иштирок этишга рағбатлантиришдан иборатдир.

Р. УМАРОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ВА ҲИСОБЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

2025 йил 5-майдан кечиктирмай 12 korxona shakli ойлик ҳисоботини давлат статистика ҳисоботларини интернет тармоғи орқали давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими estat 4.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этиш белгиланган.

Сиз estat 4.0 тизимида давлат статистика ҳисоботларининг электрон шаклини Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан олишингиз мумкин.

Акс ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 215-моддасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача маъмурий жавобгарликка тортилишингизни эслатиб ўтамыз.

Тошлоқ тумани статистика бўлими.

Тошлоқ туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими ва ТФХКУ туман бўлинмаси Кенгаш раиси С. Мўминовга буvasи **ЛУТФИХОН** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошлоқ туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими ва ТФХКУ туман бўлинмаси Кенгаши 26-давлат мактабгача таълим ташкилоти директори Шахнозахон Ҳошимовага онаси **НУРХОН** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Toshloq tongi

МУАССИС:
ТОШЛОҚ ТУМАН
ҲОКИМЛИГИ ВА
"ТОШЛОҚ ТОНГИ"
ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

151500 Тошлоқ шаҳарчаси,
Дўстлик кўчаси, 7-уй
Телефон факс: (73) 238-11-65.
(90) 277-35-65.

Газета Фарғона вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2007 йил 9-январда № 12-010 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN- 20-109563. Нашр индекси 525.

Марғилон шаҳар «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макетидан чоп этилди. Туркистон кўчаси 236 «Б»-уй.
email: pol.press@mail.ru

Газета бир ойда уч марта чиқади.

Мазкур сон учун масъул: Абдурахмон НИШОНОВ.

Бош муҳаррир:

Муқимжон НУРМАТОВ.

Босишга топшириш вақти: 16.00
Босишга топширилди: 16.30

Веб саҳифамиз: www.toshloqtongi.uz; telegram каналимиз @toshloqtongi_uz

Буюртма № 190.

Бичими А-3. Адади 2330.